



ХЎЖА НИЁЗ ХОРАЗМИЙ – БУХОРО ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЯНГИ МАНЗИЛ

Annotation:

Уибу мақолада Бухоро вилоятида туризм соҳасини ривожлантириши, янги туризм йўналишларини яратиш мақсадида Хўжса Ниёз Хоразмий зиёратгоҳи тарихи ва тавсифи баён қилинган.

Keywords:

Бухоро, туризм, зиёратгоҳ, Пули Лақлақа, қадим кўпrik.

***Information about
the authors***

Очилов Алишер Тўлис ўғли
доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

КИРИШ

Мустақилликка эришилгандан кейинги даврда мамлакатимизда маданий мерос ва қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилишнинг хуқуқий асослари яратилди. Миллий қонунчилигимизда маданий меросни муҳофаза қилишга оид кўплаб қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Шу сабабли Республикаизда тасвирий ва халқ амалий санъати асарлари, археологик ва меъморчилик обьектлари, муқаддас зиёратгоҳлар миллий маданий мерос намуналари сифатида асрар келинмоқда ва бу омил давлатимизда туризм ривожланиши учун замин яратмоқда.

Туризм сўнгги ўн йиллиқда иқтисодий ҳаётнинг глобал интеграциялашувида муҳим омил сифатида мамлакатларнинг жаҳон бозорига киришида ўзига хос механизм сифатида иштирок этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон миллий туризмининг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг таянч нуқтасига айланади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон худуди энг қадими маданият марказларидан бири бўлган. Бу худудда минг йиллар давомида шаклланган кўплаб маданият ва маънавият марказлари, минглаб илмий асарлар ҳамда тарихий ёдгорликлар халқимизнинг бой маданий-маънавий ёдгорликлари хисобланади. Маданий-маънавий мероснинг кўплиги, бой ва ранг-баранглиги ҳамда қадимийлиги билан Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирида туради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Статистика маълумотларига кўра, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 748 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 5 346 200 кишини ташкил қилган. Уларнинг орасидан аксарият, яъни 51,3 фоизни 31 -55 ёшдаги кишилар (2018 йилда 52,1 фоиз), 20,2 фоизини 55 ёш ва ундан катталар (2018 йилда 19,4 фоиз), 19,5 фоизини 19-30 ёшдагилар (2018 йилда 20,4 фоиз) ва 9,1 фоизини 0-18 ёшлилар (2018 йилда 8,1 фоиз) ташкил қиласиди (1). Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 5764500 кишига етган. МДҲ мамлакатларидан келганлар сони 495600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий


мамлакатлардан ташриф буюрган мөхмөнлар сони эса 488400 минг кишини қайд этган. Сайёхларнинг аксарияти Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби давлатлардан ташриф буюрган. Ўзбекистонга ташриф буюрганлар орасида қариндош-уруғ ва дўстларини кўришга келганлар сони 81,8 фоиздан иборат бўлган бўлса, дам олиш учун келганлар 15,5 фоизни ташкил этган. Бошқа сабаблар, жумладан даволаниш, харидлар, бизнес учрашувларда иштирок этиш ҳамда таълим олиш мақсадида келган хорижликлар сони 2,7 фоизни қайд этди. 2019 йил якунига кўра, туристик хизматлар экспорти кўрсаткичи 1 млрд 313 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан (2018 йилда 1 млрд 041 млн) 26,1 фоизга ўсиш қайд этилди. Жойлашув воситалари сони жами 1188 тадан иборат бўлган бўлса, шундан 833 таси – мөхмөнхоналар, 214 таси – хостеллар ва 141 таси бошқалар.

Худудлар кесимида жойлашув воситаларининг юкланиш даражаси қўйидагича: Қорақалпоғистон Республикаси – 62,6 фоиз, Андижон вилояти – 65,0 фоиз, Бухоро вилояти – 96,6 фоиз, Жиззах вилояти – 52,5 фоиз, Қашқадарё вилояти – 61,0 фоиз, Навоий вилояти – 74,3 фоиз, Наманган вилояти – 40,6 фоиз, Самарқанд вилояти – 82,3 фоиз, Сирдарё вилояти – 64,4 фоиз, Сурхондарё вилояти – 68,8 фоиз, Тошкент вилояти – 76,1 фоиз, Фарғона вилояти – 42,7 фоиз, Хоразм вилояти – 81,5 фоиз, Тошкент шаҳри – 85,7 фоиз. Кўриниб турибдик бу кўрсатгич бўйича энг юқори ўринларда Бухоро вилояти турибди. Бундан кўринадики Бухорода доимо туризм соҳасини ривожлантириш учун максимал даражада ҳаракат қилинади.

Чунки Бухоро - қадим шариф шаҳар, у нафақат ўзининг машҳур тарихий меъморий обидалари билан балқи, Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бақр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари Хўжа Ниёз Хоразмий, Абдухолиқ Фиждувоний, Амир Кулол, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Фағнавий, Хўжа Али Ромитаний, Хўжа Бобойи Сомосий ва бошқа жуда кўплаб азиз авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Булардан Хўжа Ниёз Хоразмий (Ҳазрат Бобойи Лақлақағий) ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш аждодларимиз тарихига бир эҳтиром бўлса, бу кишининг мақбараларини тарифлаш ва таҳлил қилиш Бухорода туризмнинг янги объектини юзага чиқаради. Манбаларда қайд этилишича Хўжа Ниёз Хоразмий ўз шогиртларига диний ва маънавий жихатдан сабоқ берган бўлиб, XI асрнинг 70-йилларида туғилиб, XII асрнинг иккинч ярмигача яшаган. У кишидан ҳеч қандай китоб сақланиб қолмаган ва Ҳазрат хўжагон тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Фиждувонийнинг илк устозларидан бўлган.

Ҳозирги кунда Хўжа Ниёз Хоразмий қабри Ромитан тумани эски Лақлақа қишлоғида жойлашган.



(Хўжаси Ниёз Хоразмий мақбараси)

Лақлақа қишлоғи тарихий ва моддий-маданий археологик ёдгорликларга бой қишлоқдир. Ўрта асрларда Лақлақа қишлоғида тўққизта гузар, бешта масжид бўлган. Бу ердаги Гузарларни археологик ўрганиш жараёнида учта кудуқ сақланиб қолганлиги аниқланди. Ўз даврида кудуқлар туб аҳоли учун сув манбаи хисобланган.

Хўжа Ниёз Хоразмий қабри устида ён томонлари бир бирига teng тўғри тўртбурчак шаклда 8,5x8,5 метрдан иборат, баландлиги ҳамда қўш қаватли гумбаз айланасини қўшиб хисоблаганда 8,5 мертдан зиёдроқни ташкил этадиган мақбара барпо қилиниб, сўлим зиёратгоҳга айлантирилиб келинмоқда.



(Хўжаси Ниёз Хоразмий зиёратгоҳининг умумий кўриниши)

Бу зиёратгоҳнинг яна муҳум жиҳатларидан бири, унинг шарқий қисми Зарафшоннинг эски ўзанини (1970- йилларда дарё ўзанини ўзгартирганидан ҳозирда бу жой зовурга айланниб қолган) оқиб ўтган бўлиб, бу ерда 2015 йилдаги тозалаш ишлари давомида 4 метр чуқурликда қадимги кўприк қолдиклари топилди. Манбаларда кўприк ҳақида маълумотлар учрайди. Бу кўприк доимо қимирлаб турганлиги учун “Пули Лақлақа”, яъни “Қимирлаб турувчи кўприк”

номини олган. Кўприкнинг барпо этилиши Хўжа Ниёз Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, асрлар мобайнида қайта-қайта таъмирланган.



(Уибу расм Чашма Аюбда жойлашган Бухоро сув таъминоти тарихи музейидан олинган. Пули Лақлақа кўпригининг тахминий кўринилиши шундай бўлиши мумкин)

Ушбу худудда археологик изланишларимиз натижасида Пули Лақлақа кўприги устунларининг баландлиги 15 метрни ташкил қилиб, 3 та устун пишиқ ғишт ва гужум дараҳти ёғочларидан қурилганлиги тахмин қилинди. Қурилишда Гужум дараҳтининг ишлатилганлиги кўприкнинг бизгача сақланиб қолиши учун сабаблардан биридир. Кўприкка ишлатилган ғиштининг умумий ўлчами 27x27 см.дан 34x30 см.гача, қалинлиги 5-6 см.дан 6-7 см.гача бўлган. Ғиштлар ҳажми ва шаклидан айтиш мумкинки, кўприкнинг охирги таъмирланиш ишлари Бухоро хонлиги даврига тўғри келади.



(Тадқиқотлар натижасида топилган ёғоч ва гишт қолдиқлари)

Аҳоли Пули Лақлақа кўпригидан янги Чориқулбой кўприги қурилгунга қадар фойдаланиб келган.

Дарёning эни 25-30 метрни ташкил қиласканлигини инобатга олсак кўприк ўз вақтида улкан, пишиқ ва мустаҳкам қурилгани аён бўлади. Ҳозирга қадар кўприкнинг фақатгина 3 та устуни топилгани бу ерда археологик тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади.

Кўприк қурилиши тарихини чуқур ўрганишнинг аҳамияти шундаки, кўприк карвон йўли ёқасида жойлашган бўлиб, Ўрта асрларда Хоразм савдо йўлларидан келадиган карвонлар айнан шу кўпридан ўтиб Вазирак тепа, Нўфол тепалар орқали Бухоро шаҳри ва бошқа шаҳарларга йўл олган деган эҳтимолни беради. Бу эса карвон ёлларини харитасини яратишга ҳамда Бухорода зиёрат туризмини ривожланишига улкан ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда Бухоро давлат университети раҳбарияти ва тарихчи-археологлари томонидан Бухоро вилояти Ромитан туманида хусусан Хўжа Ниёз Хоразмий зиёратгоҳи, Лақлақа кўприги ҳамда қишлоғи тарихини ўрганиш, бу ерда туризм қишлоғини барпо қилиш орқали вилоятга келадиган туристлар салоҳиятини ошириш мақсадида режали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўйлаймизки Бухоро давлат университети ташаббуси билан қилинаётган ушбу хайрли ишлар Хўжа Ниёз Хоразмий шахсини дунёга танитиб Бухорода туризм соҳасини янада ривожланиши учун улкан бир қадам бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Наршахий. Бухоро тарихи. –Тошкент, 1993.
- Садриддин Салим Бухорий. Боҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. –Тошкент, 2003
- Хусенов Н. Хўжа Ниёз Хоразмий (мальумотнома). –Бухоро, 2017
- Дала тадқиқот материаллари.
- Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.

6. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
7. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
8. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
9. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
10. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
11. Ochilov A. XIX асрдаги чет эл сайёҳлари асарларида Бухоро воҳаси маданиятининг ёритилиши // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
12. Очилов А. Т., Жўраев Н. БУХОРО ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ // TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 11-14.
13. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли, and Зулфизар Ҳалим Қизи Салимова. "БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ." *Scientific progress* 3.10 (2022): 86-91.
14. Очилов А. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТОШ ДАВРИ ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ // Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 02. – С. 42-45.
15. Очилов, А. (2023). Бухоро воҳаси тош даври жамоаларининг моддий маданияти: тарихий реконструкция масалалари. *Марказий Осиё тарихи ва маданияти*, 1(1), 93-98.
16. Ganiyevna, Hasanova Mavjuda, and Ochilov Alisher To‘lis o‘g. "XIX ASRNING OXIRI VA XX ASRNING BOSHLARIDA JADIDLARINING YANGI USUL MAKTABLARI FAOLIYATI." *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS* 2.22 (2023): 240-243.
17. Alisher To‘lis o‘g O. et al. BUXORO VOHASINING TOSH DAVRI TARIXI // Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 6-10.
18. Alisher To‘lis o‘g O. et al. VARAXSHA-ANTIK VA ILK O ‘RTA ASRLAR DAVRI SHAHRI // Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 14-17.